

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR
PAGES

JOCAA

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

Journal of Culture and Art

Volume I, Issue 4

JUNE | 2023

КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО



ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 4-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-4

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-4

ТОШКЕНТ – 2023

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 4 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-4>

БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиёв Иқбол
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, профессор в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим Козимович

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих фанлари номзоди, профессор

Ходжаметова Гулчира
Илишевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, доцент, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Абдувоҳидов Фахриддин
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедраси доценти

Умаров Мамур
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедраси мудир, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон
Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло
Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил изланувчи (PhD)

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

ТАШБАЕВА Дилбар Хаджиевна

Наманган давлат университети

“Музикий таълим” кафедраси

фалсафа фанлари номзоди

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8082934>

МУСИҚА, БОШҚА САЊАТ ТУРЛАРИДАН ФАРҚЛИ ЎЛАРОҚ, ИФОДА ВОСИТАСИДИР

АННОТАЦИЯ

Ҳаёт ва санъат ўртасидаги узвий боғлиқликни мусиқа маданиятининг мазмуни ва маъносини ифодалаш, тушунтириш мақсадида аниқ ҳодисалар ва мисоллардан фойдаланиш. Ушбу воқеаларни амалга оширишда ўқитувчи жиддий тайёргарлик кўриши, ўз ўстида тинмай ишлаши, яъни билим савиясини, маданиятини, илмий адабиётлар, янги дастурлар, бадиий адабиётлар, театр, музейларга бориб (тинмай) онгини ошириш йулларини такомиллаштириб бориши лозим.

Калит сўзлар: мусиқа, маданият, музей, адабиётлар, театр, методик кўрсатмалар, илмий адабиётлар, янги дастурлар, бадиий адабиётлар.

ТАШБАЕВА Дилбар Хаджиевна

Наманганский государственный университет

Кафедра "музыкальное образование"

кандидат философских наук

МУЗЫКА, В ОТЛИЧИЕ ОТ ДРУГИХ ВИДОВ ИСКУССТВА, ЯВЛЯЕТСЯ СРЕДСТВОМ САМОВЫРАЖЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

Неразрывная связь между жизнью и искусством в понимании музыкальной культуры и использование конкретных явлений и примеров с целью выражения, объяснения смысла. При осуществлении этих мероприятий учитель должен серьезно подготовиться, неустанно работать над своим воспитанием, то есть повышать уровень знаний, культуры, научной литературы, новых программ, научно-популярной литературы, театра, музеев и способов повышения своей сознательности (неустанно).

Ключевые слова: музыка, культура, музей, литература, театр, методические рекомендации, научная литература, новые программы, художественная литература.

TASHBAEVA Dilbar Hadjievna
Namangan State University
Department of "Music Education"
Candidate of Philosophical Sciences

MUSIC, UNLIKE OTHER TYPES OF ART, IT IS A MEANS OF SELF-EXPRESSION

ANNOTATION

The inextricable link between life and art in the understanding of musical culture and the use of specific phenomena and examples for the purpose of expressing, explaining the meaning. When carrying out these activities, the teacher must seriously prepare, work tirelessly on his education, that is, raise the level of knowledge, culture, scientific literature, new programs, popular science literature, theater, museums and ways to increase his consciousness (tirelessly).

Keywords: music, culture, museum, literature, theater, methodological recommendations, scientific literature, new programs, fiction.

Дарс мусиқа тарбияси тизимида етакчи омил ҳисобланади. Чунки, болалар ялпи тарзда камраб олинади. Мусиқа болаларни ақлий ҳамда ахлоқий ривожланишида катта ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун мусиқа дарслари энг аввало, тарбия дарси дейилади. Фаннинг номи фақатгина мусиқа ўқитиш методикаси эмас, балки мусиқа тарбияси методикаси дейилади.

Янги дастур мазмунида дарс ўтиш учун мусиқа ўқитувчиси ўзининг мусиқий ва назарий билимларни такомиллаштириш лозим. Бугунги кунда мусиқа инсонни шаклланишида муҳим роль уйнайди, унинг ҳиссиёти ва физиологиясига актив таъсир кўрсатади. Умумтаълим мактабларининг асосий вазифаларидан бири, ўқувчиларни фикрлаш ва уйлашга ургатишдир. Бу вазифани амалга оширишда мусиқа дарси муҳим аҳамиятга эга.

Бунда ўқитувчи болаларни маълум бир мусиқа асари билан таништириб уни ифодали, «жонли» қилиб ижро этиб, ўқувчилар диққат эътиборини асарга жалб этади, уларнинг нутқини ўстириш, фикрлаш қобилятини, дунёқарашини кенгайтиради, эмоционал ҳис-туйғуларига ҳам актив таъсир этади. Мусиқа дарсларининг мазмунида фақатгина ўзлаштириш эмас, балки ўқувчилар муносабатини ривожлантириш, эстетик маданиятини тарқиб топтириш ва бошқа ички ҳис-туйғуларини шакллантириш назарда тутилади [1, Б.78].

Ўқувчиларнинг дарсга ижодий тарзда ёндошиши муҳим аҳамият касб этади ва бир қанча вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ҳаёт ва санъат уртасидаги ўзвий боғлиқликни мусиқа маданиятининг мазмуни ва маъносини ифодалаш, тушунтириш, мақсадида аниқ ходисалар ва мисоллардан фойдаланиш. Ушбу воқеаларни амалга оширишда ўқитувчи жиддий тайёргарлик кўриши, ўз устида тинмай ишлаши, яъни билим савиясини, маданиятини, илмий адабиётлар, янги дастурлар, бадиий адабиётлар, театр, музейларга бориб (тинмай) онгини ошириш йўллариини такомиллаштириб бориши лозим. Мусиқа дарслари олиб бориладиган синф хонасини дид билан намунали жиҳозланган бўлиши муҳим рол уйнайди.

Техника воситалари, методик кўргазмалари қуроллар, пианино чолғу асбоби ва ўзбек халқ чолғу асбоблари билан жиҳозланган бўлиши, янги дастурдан фойдаланиб, дарс режа конспектларини тузиб янги технологияни кўллаб олиб борилиши керак.

Шундай қилиб, мусиқа дарсларининг барча фаолиятларини мақсади ва мазмуни дарсни мавзуларини ёритиб, ҳаёт билан боғлаб, дарсининг ҳамма қисмларини бир-бири билан узвий олиб боришни талаб этилади [2, Б.30-31].

Мусиқа дарси бошқа дарслардан ўзининг бадиийлиги, қизиқарлилиги ва болаларга кўпроқ ижодий завқ, эмоционал туйғулар ва образли кечинмалар уйғотиши билан ажралиб туради. Шунинг учун мусиқа дарси энг аввало, тарбия дарсидир. Мусиқа дарслари куйидаги специфик хусусиятлари билан бошқа дарслардан фарқ қилади.

Мусиқа назарияси ва ижрочилигига доир турли фаолиятлардан: вокал–хор машғулотлари, мусиқа саводи, мусиқа тинглаш, болалар чолғу асбобида чалиш, ритмик ҳаракатлар бажариш элементларидан иборатдир.

Мусиқа бошқа санъат турларидан ўзининг ифода воситалари, яъни «тили» билан фарқ қилади. Агар бадиий адабиёт сўз билан тасвирий санъат ранглар билан, рақс санъати ҳаракат билан ифодаланса, мусиқа эса мантиқий товушларда вужудга келган оҳанг воситасида ифодаланади. Юқоридаги санъат турларини қўриш ва эшитиш орқали идрок этсак, мусиқани фақатгина диққат билан тинглабгина ифода этамиз. Шунинг учун кўзи ожиз кишилардан ҳам етук мусиқачилар етишиб чиққан.

1) Мусиқа аниқ вақт ўлчови билан боғланган санъатдир. Шунинг учун, ижро этилаётган мусиқа темпига созланиб, унинг ҳар бир элементини диққат билан тингламасак, асарни мукамал идрок этолмаймиз. Мумтоз асарни қайта-қайта тинглаганда унинг янги-янги бадиий қирраларини ҳис этамиз.

2) Мусиқа болаларга актив эмоционал таъсир кўрсатади, қувонтиради, ҳамда ижодий кечинмалар уйғотади. Яхши, мазмунли, қизиқарли мусиқа дарсидан болалар хордик чиқариб, бадиий озука оладилар, қувноқ, хурсанд бўлиб чиқадилар [3, Б.90].

Ҳуллас, мусиқа дарси ўзининг актив психологик таъсири билан бошқа фанлардан фарқ қилади. Шунингдек, мусиқа дарси бошқа фанлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Тасвирий санъат, адабиёт, она тили, математика, тарих, педагогика, психология, вокал, ритмика ва бошқалар. Булар мусиқа дарсини ҳаёт билан боғлашга, мазмунли, қизиқарли қилиб дарсни олиб боришга ёрдам беради. Мусиқа дарси ўзининг аралаш дарси типи билан ҳам, бошқа фанлардан фарқ қилади. Мусиқа дарсининг структураси 3 асосий фаолият туридан: мусиқа тинглаш, мусиқа саводи ва хор бўлиб кўшиқ куйлашдан иборат.

Ўрта синфларда дарс (структураси) 3 та асосий фаолиятлардан тузилади:

1. Хор бўлиб куйлаш.
2. Мусиқа саводи.
3. Мусиқа тинглашдан иборат.

Бошланғич синфларда эса дарс структураси 5 та асосий фаолиятлардан тузилади:

1. Хор бўлиб куйлаш.
2. Мусиқа саводи.
3. Мусиқа тинглаш.
4. Мусиқага мос ҳаракатларни бажариш.
5. Болалар чолғу асбобларида жўр бўлишдан иборат бўлади.

Чунки, бошланғич синф ўқувчиларини диққат эътиборини тарқок, овоз аппаратлари кучсиз, мусиқий ўқув қобилиятлари, тўла шаклланмаган, ўйинга мойил бўладилар. Бунда дарсининг тузилиши барқарор структурага қараб эмас, балки ўқитувчи дарс мавзуси, педагогик мақсад сари эришишга қараб, дарсни хоҳлаган дарс фаолиятдан бошлаши мумкин.

Бундан мақсад, ўқувчиларни мусиқага қизиқтира олиш, мусиқий қобилиятларини ўстириш жиҳатдан мантиқий бир бутунликка эришдир. Демак, янги дастур мазмунида дарс ўтиш учун, мусиқа ўқитувчиси ижодкор бўлиши, мусиқадан зарур билимларга ҳамда ашулачилик малакаларига эга бўлмоғи зарур [4, Б.82].

Мусиқани ўқитиш методлари деганда, мактаб ўқувчиларининг билим, маҳорат ва малакаларни эгаллашда, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ва дунёқарашини таркиб топтиришда ўқитувчиларнинг қўллаган иш усуллари тушунилади.

Мусиқа ўқитиш методикаси вазифаларини амалга оширишда, мусиқа ўқитишнинг катор методлари билан биргаликда, педогогиканинг амалий йўналишини хусусий (оптимал) методлар эгаллаб, мусиқа дарсида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мусиқа ўқитиш методикаси вазифаларини амалга оширишда мусиқа дарсида ўқитишнинг (оптимал) хусусий методларидан унумли фойдаланишга боғлиқ.

Етуқ олимларимизнинг тадқиқотларида мактаб ўқитувчисининг шахсияти ва унга бўлган профессионал тингловчилар ва ўқувчилар муносабатини, хусусий методлардан фойдаланиш жараёнида ҳал қилиш лозимлиги илмий асосда таърифлаб берганлар. Хусусий метод- бирор бир фаннинг амалий ва ижодий ишларини мазмунини ва мавзусини кенг ёритиб бериш ва мустахкамлашда, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятида ўзаро алоқадорлигини ва ўқувчиларни билиш жараёнида изланишга ундовчи методдир. Хусусий (оптимал) методлар ўқитиш фаолиятида мақсадга қараб тўртга бўлинади.

1. Дарсни мусиқавий умумлаштируви методи.

2. Ўтилажак дарсларга олдиндан боғланиб ўтиш ва илгари ўтилганларга қайтиш методи.

3. Дарс мазмунини эмоционал драматургияси методи.

4. Дарснинг педогогик жихатдан кузатилиши ва билимларнинг баҳоланиш методи.

Дарсни мусиқавий умумлаштириш методи, етакчи методлардан бири бўлиб, ўқувчиларни мусиқа идроки, мантиқий бадиий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилгандир:

а) Ўқитувчи дарсда ҳал қилиниши лозим бўлган конкрет вазифаларни вужудга келтиради;

б) Ўқитувчи ва ўқувчи бирга ҳамқорликда масалани ечади;

в) Ўқувчилар томонидан якуний ҳулосалар чиқарилади.

Олдинга, яъни илгари ўтилган материалдан фойдаланиб, ўқувчиларни янги материал ўзлаштиришга тайёрлигини синаб кўриш ва бунда олдин эгаллаган билимларга суяниш учун фойдаланилади. Эмоционал драматургия методи, билан дарснинг мантиқий яхлитлигига эришилади. Бунда чорак мавзуси асосида дарс режаси учун асарлар танланади. Танланган мавзулар ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб бошланиши ва якунланишига боғлиқдир [5, Б.102].

Ўқитувчи дарсни ижрочилик маҳорати билан, сўз усталиги билан қизиқарли қилиб ўтиши керак. Ўзи сценарий автор, режиссёр, артист бўлиши керак. Мусиқа ўқитувчиси мактабда мусиқа дарсидан ташқари концертлар, бадиий кечалар, учрашувлар ўтказишини талаб этади. Дарсни педагогик кузатилиши ва билимларни баҳолаш мақсадга қараб бир неча гуруҳларга бўлинади:

а) Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи тури.

б) Билим фаолиятини рағбатлантириш ва баҳолаш талабларини кўйиш.

в) Ўқиш, билиш, фаолиятини самарадорлигини бошқариш ва назорат қилиш.

Баҳолашда, шундай эҳтиёткор бўлиш керакки, ўқувчиларни кайфиятини тушуриб қўймасин.

Дарсга, қўшиқ куйлашга қизиқиши сўнмасин. Рағбатлантиришда эса аксинча. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари меёридан чиқиб кетмаслиги керак. Балки, рағбатлантириш, синфда бошқа ўқувчиларга намуна бўлиб хизмат қилсин ва бошқалар одобли, ақлли бўлишига интилинлар.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Апраксина О. "Методика музыкального воспитания в школе М". 1983 йил.
2. Дмитриева Г. Черноиванова «Методика музыкального воспитания в школе.» М. 1987
3. Кодиров Р.Г. «Бошланғич мактабда кўп овозда куйлаш» Т. 1997
4. Омонуллаев Д. Нурматов Х. ва бошқалар «2-синф учун мусика дарслиги» Т. 1987.
5. Омонуллаев Д. "Умумий таълим мактаблари учун мусика дастурлари "Т. 1992 й.

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 4-СОН

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-4

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-4

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz